

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 679-ҳадис

679 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَلَيْكَ السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ فِي عُسْرِكَ وَيُسْرِكَ، وَمَنْشَطِكَ وَمَكْرَهِكَ، وَأَثَرَةَ عَلَيْكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1836].

679. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Қийинчилигингда ҳам, енгилчилигингда ҳам, (рози бўлиб) ёқтирганингда ҳам, (норози бўлиб) ёқтирмаганингда ҳам ҳамда ҳаққинг берилмаса ҳам қулоқ солиш ва итоат қилиш сенга вожибдир».**

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Албатта, бу қулоқ солиб итоат қилиш Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ва мусулмон раҳбарларга бўлади. Бу шарт ҳар бир жамият учун жуда зарур. Бошлиққа қулоқ осиб итоат қилинмаган жойда тартиб-интизом, муваффақият бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Исломда бу нарсага катта аҳамият берилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

